

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.15/30.12.2019.Т.73.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛДАШЕВ ШУХРАТ МУРАТОВИЧ

СТАНЦИЯЛАРДА ПОЕЗДЛАР ҲАРАКАТИНИ БОШҚАРИШ
ҚУРИЛМАЛАРИНИНГ ҲОЛАТИНИ АВТОМАТИК НАЗОРАТ
ҚИЛУВЧИ МИКРОПРОЦЕССОРЛИ ТЕХНИК ВОСИТАЛАР

05.08.03– Темир йўл транспортини ишлатиш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент– 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Юлдашев Шухрат Муратович

Станцияларда поездлар ҳаракатини бошқариш қурилмаларининг
ҳолатини автоматик назорат қилувчи микропроцессорли техник
воситалар..... 3

Юлдашев Шухрат Муратович

Микропроцессорные технические средства автоматического
контроля состояния устройств управления движением поездов на
станциях..... 22

Yuldashev Shukhrat Muratovich

Microprocessor technical equipment for automatic control of the state of
train control devices at stations 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 44

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.15/30.12.2019.Т.73.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛДАШЕВ ШУХРАТ МУРАТОВИЧ

СТАНЦИЯЛАРДА ПОЕЗДЛАР ҲАРАКАТИНИ БОШҚАРИШ
ҚУРИЛМАЛАРИНИНГ ҲОЛАТИНИ АВТОМАТИК НАЗОРАТ
ҚИЛУВЧИ МИКРОПРОЦЕССОРЛИ ТЕХНИК ВОСИТАЛАР

05.08.03– Темир йўл транспортини ишлатиш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент– 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Т2137 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат транспорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tstu.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Азизов Асадулла Рахимович
техника фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Баратов Дилшод Хамидуллаевич
техника фанлари доктори, доцент

Хаджимухаметова Матлуба Адилевна
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Мухаммад ал-Хоразмий номидаги
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Диссертация химояси Тошкент давлат транспорт университети ҳузуридаги PhD.15/30.12.2019.Т.73.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2021 йил «18» 09 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100167, Тошкент, Темирийўлчилар кўчаси, 1 уй. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54; e-mail: tashiit_rektorat@mail.ru.

Диссертация билан Тошкент давлат транспорт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (033 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100167, Тошкент, Темирийўлчилар кўчаси, 1 уй. Тел: (99871) 299-05-66

Диссертация автореферати 2021 йил «10» 09 кун тарқатилди.
(2021 йил «10» 09 даги 034 рақамли реестр баённомаси).



А.И. Адилходжаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Я.О. Рузметов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н.

И.Н. Ибрагимов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси (PhD) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда поездлар ҳаракатини хавфсиз бошқариш қурилмаларининг ҳолатини узлуксиз назорат қилишда замонавий микропроцессорлар асосида бажарилган тизимларни жорий этиш, назорат қилишнинг усулларини ва технологияларини такомиллаштириш каби масалалари етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Масалан, АДК СЦБ (Россия) микропроцессорли тизимининг жорий этилиши авария ҳолати даражасини 3% дан пастроққа камайтириш имконини берган. Шу сабабли, хавфсизликни таъминлаш жараёнида, микроэлектрон воситалар асосида бажарилган темир йўл станцияларидаги автоматика ва телемеханика қурилмаларининг эксплуатацион ишончилигини оширадиган диагностика тизимларини амалиётга жорий этишни тақозо этади. Дунёнинг АҚШ, Германия, Япония, Англия, Хитой ва Испания каби ривожланган мамлакатларида, темир йўл автоматика ва телемеханикаси тизимларини лойиҳалаштириш ва яратишда, уларнинг турғунлиги, ишончилиги ва ўз-ўзини назорат қилиши, шунингдек уларнинг техник ҳолати тўғрисида зарур ахборотни берадиган мураккаб микропроцессорли тизимларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда темир йўл автоматика ва телемеханикаси қурилмалари, ускуналари ва элементларини ривожлантириш билан боғлиқ станциялардаги поездлар ҳаракатини бошқариш қурилмалари ҳолатини автоматик назорат қилувчи микропроцессорли техник воситаларни яратишга, шунингдек замонавий даражада микропроцессорли қурилмаларни синтез қилишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада замонавий микроэлектрон элементлар базасида автоматик назорат қилиш модулларини такомиллаштириш; янги математик моделларни яратиш; темир йўл автоматика ва телемеханикаси учун мойил бўлган микроэлектрон воситалар асосида янги схемаларни ишлаб чиқиш; мураккаб шарт-шароитларда ишлаш учун мўлжалланган микроконтроллерлар асосидаги тизимларни ишлаш алгоритмлари ва дастурий таъминотини ишлаб чиқишни асослашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда транспорт тармоғини ривожлантириш, шу жумладан темир йўл транспорти инфратузилмасини ривожлантириш, темир йўл линияларини кўпайтириш, мавжуд линияларни электрлаштиришни ривожлантириш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ... транспорт-коммуникацион ва ижтимоий-инфратузилмавий лойиҳалар ...», ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилашга ... , энергия тежовчи технологиялар ишлаб чиқаришини кенг кўламда жалб этишга қаратилган фаол инвестицион

сиёсатни амалга ошириш» каби вазифалар белгилаб берилган¹. Ушбу вазифаларнинг ҳал қилиниши, хусусан, импорт маҳсулотлардан мустақиллик даражасини яхшилаш, шунингдек станцияларда поездлар ҳаракатини бошқариш қурилмалари ҳолатини автоматик назорат қилувчи техник воситаларини микропроцессорли энергия ва ресурс тежамкор технологиялар асосида ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сонли «2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарори, 2015 йил 6 мартдаги ПҚ-2313-сонли «Муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Ушбу тадқиқот республика илм-фан ва технологиялари ривожлантиришнинг II. «Энергетика, энерго ва ресурс тежамкорлик» устувор йўналишига мувофиқ тарзда бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Темир йўл транспорти автоматика ва телемеханика қурилмаларини назорат қилиш микропроцессорли тизимлари асосидаги, ҳаракатланувчи таркиб ҳаракат хавфсизлигини ошириш усулларини ишлаб чиқиш, хизмат кўрсатиш усулларини модернизациялаш ва такомиллаштириш бўйича долзарб муаммоларини ҳал қилишга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари, олий таълим муассасалари, ҳамда номдор хорижий фирмалар, шу жумладан Massachusetts Institute of Technology (АҚШ), Dresden University of Technology (Германия), Universita degli Studi di Torino (Италия), Technische Universitat Wien (Австрия), «Siemens», «Bombardier», Петербург давлат темир йўл университети, Россия транспорт университети (Россия), Тошкент давлат транспорт университети, «Боштранслойиха» АЖ, «Mikroelektronika plus» (Ўзбекистон) да амалга оширилган.

Хусусан, бу йўналишда хориж олимларидан G. Teeg, F. Bailey, E. Andres, T. Brendt, U. Mashek, D. Straetton, Ю.А. Кравцов, А.М. Брылеев, В.В. Сапожников, Вл.В Сапожников, В.М. Лисенков, П.Ф. Бестемьянов, Н.Ф. Котляренко, В.С. Дмитриев, А.Б. Никитин, К.А. Бочков, Е.Н. Розенберг, В. Феннер, Й. Тринкауф, Х. Христов, М. Фишер ва бошқа

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги №ПФ-4947 «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

кўпгина таниқли олимлар ва мутахассислар сезиларли даражада ўз хиссаларини кўшганлар. Бундан ташқари, транспорт жараёнлари эксплуатациясининг назарий-амалий таҳлили масалаларига, поездлар ҳаракатини ташкиллаштиришнинг техник-технологик ечимларига, темир йўл автоматика ва телемеханикаси тизимларига, шунингдек бошқаришдаги автоматлаштириш воситаларига мамлакатимиздаги таниқли олимлар: Н.Н. Ибрагимов, К.Т. Худайбергенов, Н.М. Арипов, С.Ф. Амиров, Ш.Р. Хорунов, В.Г. Строков, М.Х. Расулов, А.Р. Азизов, Д.Х. Баратов, Ж.Ф. Курбанов, Э.К. Аметова, Д.Х. Рихсиев, С.Т. Болтаев ва бошқа олимларнинг илмий ишларида катта эътибор қаратилган.

Бу йўналиш бўйича олиб борилган тадқиқотларни таҳлил қилиш шунини кўрсатдики, янги тамойиллар ва тизимлар тўла ҳажмда қўллаш имкониятларидан кенг фойдаланилмаган, хусусан, темир йўл автоматика ва телемеханикасининг ишлаш шароитлари учун аналог сигналларни сўровлари вақтини оптималлаштириш, автоматик назорат қилувчи микропроцессорли техник воситаларининг дастурий таъминотлари ва алгоритмларини оптималлаштириш ва синтезлашда Петри тармоқлари асосида математик моделлаштиришни қўллаш, қурилмаларига хизмат кўратувчи ҳодимларнинг автоматлаштирилган иш жойларини ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этиш масалалари етарлича тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий ўқув муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент темир йўл муҳандислари институти илмий тадқиқот ишлари режасига киритилган лойиҳалар доирасида бажарилган бўлиб, улар №61 «Темир йўл автоматика ва телемеханика станция қурилмаларининг ҳолатини кузатиш учун аппаратли дастурий таъминотни ишлаб чиқиш» (2014-2016), №107 «Ethernet (TCP/IP) интерфейсини ОТАЛ фойдаланган ҳолда темир йўл автоматика ва телемеханика қурилмалари ҳолатини ахборотлар узатиш тизимида қўллаш» (2015-2016) мавзулари ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ техник даражасини 2019 йилда оширишнинг ягона комплекс режасига мувофиқ (2018 йил 27 декабридаги №2347-НЗ буйруқ) бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади станцияларда поездлар ҳаракатини бошқариш қурилмаларининг ҳолатини автоматик назорат қилувчи микропроцессорли техник воситаларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

темир йўл автоматикаси жиҳозларига хизмат кўрсатиш стратегияси ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда автоматик назоратнинг микропроцессорли техник воситаларини ишлаб чиқиш заруриятини асослаш;

микропроцессорли техник воситаларининг алоҳида блоклари ва элементларини ишлашини тадқиқ қилиш учун математик моделлар ва дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш;

станциялардаги поездлар ҳаракатини бошқариш қурилмаларининг ҳолатини назорат воситалари ва автоматлаштирилган иш жойларини яратишга техникавий талаблар ва тавсифларни ишлаб чиқиш;

бошқариш қурилмалари ҳолати назоратининг микропроцессорли техник воситаларини яратиш тамойиллари, уларни ишга яроқлилигининг таҳлили ва амалда қўллаш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

станцияларда поездлар ҳаракатини бошқариш қурилмаларни узлуксиз назорат қилишнинг самарадор микропроцессорли техник воситаларнинг тажрибавий нусхаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

Тадқиқот объекти сифатида темир йўл станцияларда поездлар ҳаракатини хавфсиз бошқаришда иштирок этувчи электр марказлаштириш техник воситалари олинган.

Тадқиқот предмети станцияларда поездлар ҳаракатини бошқариш қурилмаларининг ҳолатини автоматик назорат қилувчи микропроцессорли техник воситаларини амалга ошириш, уларнинг математик моделлаш усуллари, ишлаш алгоритмлари ва дастурий таъминотлари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида статистик таҳлил, Петри тармоқларидан фойдаланган ҳолда математик моделлаш усуллари, дискрет тизимлар назарияси, образларни таниш назарияси, аналогли сигналларга рақамли ишлов бериш, микропроцессорли воситаларни тажрибавий тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

темир йўл автоматика ва телемеханикаси махсус ўлчов асбобларига қўйиладиган техник талаблар асосида аналогли сигналнинг шакли ва эффектив қийматини аниқлаш учун микропроцессорли воситалардаги сўровлар вақтини оптимал танлашни амалга ошириш усуллари асосланган;

станциядаги поездлар ҳаракатини бошқариш қурилмалари ҳолатини тезкор назорат қилиш асосида талаб этилган аниқлиликга эришиш учун аналогли сигналларнинг сўровлар вақтини назарий баҳолаш ва таҳлил қилишнинг математик моделлари ишлаб чиқилган;

Петри тармоғи мультиграфи асосида бошқариш тизимининг автоматлаштирилган иш жойларида стрелкали ўтказгичларнинг ҳолатини визуал тасвирга чиқариш учун дастурий таъминот ишини таҳлил қилишнинг математик ифодаси ишлаб чиқилган;

аниқланган техникавий талаблар ва тавсифлар асосида бошқариш қурилмалари ҳолатини назорат қилиш учун микропроцессорли техник воситаларини яратиш тамойиллари, уларни ишга яроқлилигининг таҳлили ва амалда қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

станция навбатчиси ва электр механикнинг автоматлаштирилган иш жойларини жорий этиш орқали станциялардаги поездлар ҳаракатини бошқариш қурилмаларининг ҳолатини узлуксиз назорат қилишнинг самарадор микропроцессорли техник воситалари дастурланувчи sanoat контроллери DVP Delta асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

микропроцессорли ҳисоблаш техник воситалари ва дастурланувчи sanoat контроллерларини қўллаш асосида электр марказлаштириш қурилмаларининг ҳолатини узлуксиз кузатишни амалга ошириш учун автоматик назорат тизими ишлаб чиқилган;

реал вақт масштабида назорат объектлари ҳақидаги маълумотларини қайта ишлаш ҳамда станциядаги автоматлаштирилган иш жойларида поездлар ҳолатини ҳаққоний намоён этиш мақсадида инструментал воситаларнинг алгоритми ва дастурий таъминоти ишлаб чиқилган;

хизмат кўрсатилмайдиган замонавий таъминот манбаларини қўллаш, электр магнит релелар сони ва постдаги кабеллар узунлигини камайтириш ҳамда ноёб материалларни тежаш учун микропроцессорли назорат қурилмалари амалий жиҳатдан бажарилган ва жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотлар натижаларининг ишончлилиги микропроцессорли техник воситаларнинг барча ташкил этувчиларнинг ўзаро уйғун ва мутаносиб ишлашини амалий эксперимент ёрдамида тасдиқлаш, бунда олинган натижаларини реал маълумотлар билан баҳолаш билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти темир йўл автоматика ва телемеханикасининг реал ишлаш шарт-шароитларида ресурс тежамкор технологияларни қўллаш орқали замонавий назорат қурилмаларини яратиш бўйича масаланинг ечимини таъминлаш мақсадида аналог рақамли ўзгартиргичлар сўрови вақтларини баҳолашнинг математик моделини яратиш, микропроцессорли техник воситаларини яратиш тамойилларини оптималлаштириш ва такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқотлар натижаларининг амалий аҳамияти станцияда поездлар ҳаракатини бошқариш қурилмаларининг ҳолатини назорат қилувчи замонавий техник воситаларини яратиш, энергия истеъмолини камайтириш, электр магнит релелари сонини ва электр марказлаштириш постидаги кабеллар узунлигини қисқартириш, замонавий хизмат кўрсатилмайдиган таъминот манбаларини қўллаш, камёб материалларни тежаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳамда оператив ходимлар меҳнат шароитларини яхшилаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Станцияларда поездлар ҳаракатини бошқариш қурилмаларининг ҳолатини автоматик назорат қилувчи микропроцессорли техник воситаларини амалда қўллашга қаратилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

темир йўл автоматика ва телемеханикаси шароитларида аналогли сигнални шакли ва эффектив қийматини тезкор назорат қилиш, микропроцессорли қурилмалардаги сўровлар вақтини оптимал танлашни амалга ошириш учун ўлчов усуллари ишлаб чиқилган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖ нинг 2021 йил 15 январидagi №02/183-21 маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида, ўлчов қурилмаларига қўйилган техник талаблар асосида аналог сигналларни қайта ишлашда микропроцессор қурилмалари ҳисоблаш операцияларни бажариш цикллари ва тезкор хотиранинг юкланиши камайиши аниқланган, нисбатан арзон рақобатбардош устунликка эга процессорлардан фойдаланиш имкониятлари пайдо бўлган;

реал вақт жараёнида назорат объектлари ҳолати тўғрисидаги маълумотларни жамлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва мониторингларда акс эттириш учун ҳисоблаш техник воситалари асосида бажарилган прогрессив тизим «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тассаруфидаги «Ўртаовул», «Жиззах-1» ва «Янги Янгиер» станцияларида жорий этилган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖ нинг 2021 йил 15 январидagi №02/183-21 маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида реал вақт жараёнида назорат объектларининг ҳолатларини автоматлаштирилган иш жойларида кўрсатиш имконияти пайдо бўлган, кўп сонли тугмачалар ва калитлардан воз кечилган, тезкор назорат қилиш, ҳодимларнинг ҳаракатларини маълумотлар базасида архивлаштириш ва рўйхатдан ўтказиш учун шароитлар яратилган;

темир йўл автоматика ва телемеханикаси воситаларининг глобал ривожланиш мойиллигини ҳисобга олган ҳолда «Тошкент метрополитени» УК тассаруфидаги «Кўйлик», «Дўстлик-2» ва «Янгиобод» ер усти метро станцияларида электр марказлаштириш объектларини ишончли бошқариш ва назорат қилиш учун дастурланадиган саноат контроллерлари асосида бажарилган тизим жорий этилган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖ нинг 2021 йил 15 январидagi №02/183-21 маълумотномаси). Илмий тадқиқот ўтказилиши натижасида электр марказлаштириш ускуналари габарити, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми, эксплуатация харажатлари, шунингдек, электр магнит релелар сони ва постдаги кабеллар узунлигини кескин камайтириш, эскирган бошқариш пультлари ва манипуляторларни фойдаланишдан чиқариш, камёб материалларни тежаш ҳамда хизмат кўрсатилмайдиган замонавий таъминот манбаларини кўллаш имкониятлари яратилган.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманлар, шу жумладан 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шундан 1 та мақола хорижий журналларда, 4 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда чоп қилинган, 4 та ЭҲМ дастурларига гувоҳномалар мавжуд.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг **Кириш** қисмида диссертацияда ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси илм ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва

амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Станцияларда поездлар ҳаракатини бошқариш қурилмаларининг техник ҳолатини назорат қилиш жараёнларини автоматлаштириш вазифаси**» деб номланган биринчи бобда темир йўл автоматика ва телемеханикасининг микропроцессорли назорат тизимларининг ривожланиш таҳлили ўтказилган ва замонавий ҳолати кўриб чиқилган. Таҳлил асосида станцияларда поездлар ҳаракатини бошқариш қурилмаларининг ҳолатини автоматик назорат қилувчи замонавий микропроцессорли техник воситалари асосида поездлар ҳаракатини бошқаришда иштирок этадиган жихозларга хизмат кўрсатиш стратегиясини модернизациялаш зарурлиги тўғрисида хулоса чиқарилган. Микропроцессорли техник воситаларни амалга ошириш учун қуйидаги: станцияларда поездлар ҳаракатини бошқариш қурилмаларининг ҳолатини автоматик назорат қилиш техник воситаларини яратишда станция назорат объектларини техник ҳолатларини визуаллаштириш имкониятларини ишлаб чиқиш; микропроцессорли техник воситалар архитектураси ва алгоритмларини, тузилмавий-функционал таркибини қуриш услулари ва тамойилларидан фойдаланиш; сигналларга рақамли ишлов берилишини ва станциядаги қурилмалар ҳолати ўзгарувчанларнинг ўзгариш характерини ҳисобга олган ҳолда назорат қилинаётган объектлар техник ҳолатини аниқлашнинг математик моделларини ишлаб чиқиш; станцияларда поездлар ҳаракатини бошқариш қурилмаларининг ҳолатини автоматик назорат қилувчи воситаси моделининг ишлаш алгоритмларини ишлаб чиқиш зарурияти каби вазифаларни бажариш белгилаб олинган.

Ўтказилган тадқиқотлар электр марказлаштириш (ЭМ) қурилмаларининг техник ҳолатини автоматик назорат қилиш замонавий воситаларини тадбиқ этиш муаммоси сўнгги пайтда алоҳида аҳамият касб этганлигини кўрсатган. Ўзбекистон темир йўллари тармоғида ЭМ тизимларининг 60% га яқин қисми 30 йилдан ортиқ хизмат қилганлиги ва ўз ресурсларини тугаллаганлигини ҳисобга олиб, бу ўта жиддий аҳамият касб этган. Ҳозирда, эскирган ЭМ қурилмалари деталларининг едирилиши, материалларни эскириши натижасида нуқсон (дефект)ларнинг ривожланиши давом этмоқда. Буларнинг бари янги носозликларни юзага келишига ва навбатдаги тикланиш юз беришига олиб келади. Шунингдек бу тиклашга сарфланадиган чегаравий харажатлар ва поездларнинг туриб қолиши, аппаратуранинг ишдан чиқишлари билан боғлиқ сарф-харажатларни ўсишига ҳамда станция қурилмаларига хизмат кўрсатишга эксплуатация харажатларининг экспоненциал тарзда ортиб боришига олиб келган. Тизимлар ва қурилмаларнинг носозликларига доир статистика маълумотлари таҳлили, улардан 28% бевосита бино ичида жойлашган ускуналар назорати остидаги электр марказлаштириш қурилмаларига тўғри келишини кўрсатиб, бу эса улар ҳолатининг узлуксиз мониторингини амалга ошириш учун асос бўлмоқда. Юқорида айтилган

фикрларни умумлаштириб, қайд этиш лозимки, таҳлил натижалари замонавий микропроцессорли технологияларни қўлламай туриб, мавжуд техник хизмат кўрсатиш стратегияси, носозликларни излаб топиш усуллари ва воситалари доирасида станцияларда поездлар ҳаракатини бошқариш қурилмаларининг эксплуатацион ишончлилиги ва тикланувчанлик кўрсаткичларини яхшилашнинг имкони йўқлигини кўрсатиб берди.

Станция автоматика ва телемеханика қурилмаларига хизмат кўрсатиш технологик жараёни самарадорлигини ошириш мақсадида, уларнинг мавжуд ҳақиқий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, ҳамда ўлчашлар натижаларини оператив ходимларнинг автоматлаштирилган иш жойлари мониторида акс эттириш имконияти билан бир қаторда, техник хизмат кўрсатиш стратегиясини (ТХКС) жорий қилиш талаб этиб, бу қурилмаларнинг ишдан чиқиш олди ҳолатларини қайд этиш, ҳамда кўп сонли аста-секин ва кўшилиб (аралашиб) келадиган ишдан чиқишларнинг олдини олиш оқибатда умумий ишдан чиқишлар сонини камайтириш имконини беради. Бу каби ТХКС да барча профилактика ва таъмирлаш ишлари назорат қилинаётган объектларнинг ҳақиқий техник ҳолатидан келиб чиқиб тайинланиб, бунинг натижасида регламент бўйича ишлар ҳажми камайтирилади ва моддий-техника ва инсон ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратилади. Бундай хизмат кўрсатиш стратегиясини қурилманинг ҳақиқий ҳолатини ҳисобга олган ҳолдаги техник хизмат кўрсатиш стратегияси деб аташ мумкин.

«Станцияда поездлар ҳаракатини бошқариш қурилмаларининг ҳолатини автоматик назорат қилувчи микропроцессорли техник воситаларини ишлаб чиқишнинг назарий асослари» деб номланган иккинчи боб темир йўл автоматика ва телемеханикаси ўлчов воситаларига қўйилган техник талаблар асосида микропроцессорли воситалар ёрдамида аналогли сигнални шакли ва эффектив қийматини аниқлашда сўров вақтларини оптимал танлаш усулларни қўллаш; аналог рақамли ўзгартиргичларни дискретлаш частотасига статик ва динамик ҳатоликларни таъсирини баҳолаш; станция объектлари дискрет ҳолатларини назорат қилишда сўровларни ўтказиш вақтларнинг интенсивлиги объектлар сонига боғлиқлиги тамойилларини аниқлаш; Петри тармоғи мультиграфи асосида стрелкали ўтказгични ҳолатини назорат қилишда ахборотларни визуал тасвирга чиқариш воситалари дастурий таъминоти математик моделларини ишлаб чиқишга бағишланган.

Темир йўл автоматика ва телемеханикаси тизимлари ишлаш сифатини белгилаб берадиган автоматик тарзда назорат қиладиган энг муҳим техник воситаларидан бири – аналогли назорат модули бўлиб, у аналогли катталикни унга мувофиқ бўлган рақамли эквивалентига айлантиради. Микроконтроллер томонидан узлуксиз ўзгариб турган катталикларга оид ахборот олиш жараёни вақт бўйича дискрет тарзда рўй бериб, шу сабабли ўлчанаётган катталиклар қийматларини ўлчаш пайтига мувофиқ тушмайдиган вақт momentiда тиклаш вазифаси юзага келади. Бу каби

тиклаш, одатда, турли интерполяция усуллари ёрдамида амалга оширилади. Тикланиш аниқлиги квантлаш хатолиги билан чекланган. Бироқ, Котельников-Шеннон теоремасига кўра, аналогли сигнал $x(t)$ чекланган спектрга эга бўлган ҳолда унинг аниқ шаклини йўқотишларсиз тикланишнинг имкони мавжуд, бунда агар аналогли сигнални сўровлари частотаси f спектрининг икки марта катта бўлган юқори частотаси f_c да амалга оширилса: $f > 2f_c$. Котельников теоремасига биноан узлуксиз сигнал $x(t)$ ни интерполяцион қатор кўринишида тасаввур қилиш мумкин:

$$x(t) = \sum_{k=-\infty}^{\infty} x(k\Delta) \operatorname{sinc} \left[\frac{\pi}{\Delta} (t - k\Delta) \right], 0 < \Delta \leq \frac{1}{2f_c} \quad (1)$$

Бироқ сўров даврининг бундай ҳисоблаш йўли мураккаб бўлиб, катта ҳисоблаш ресурсини талаб қилади. Аналогли сигналлар сўровига доир изланаётган даврнинг ҳисоблашни талаб қилиб, поғонали интерполяцияда ҳар бир муҳим ўлчанаётган катталиқ учун қуйидаги ифодага биноан топилган:

$$\sigma_{\Delta x \max}^2 = 2[K_x(0) - K_x(t_0)] + \sigma_{\Delta x \text{и}}^2 \quad (2)$$

Бу кўрсатилган шароитларда катталиги $x(t)$ бўлган аналогли сигналларнинг сўров даври t_0 ни, унинг берилган аниқлаш хатолиги $\sigma_{\Delta x \max}^2$, датчикнинг маълум бўлган хатолиги $\sigma_{\Delta x \text{и}}^2$ ва ўлчанаётган жараён корреляцион функциясининг ҳисоблаб чиқилган баҳоси $K_x(\tau)$ бўйича аниқлайди. Юқоридаги сўров даврининг ҳисоби анча мураккабдир (ўлчанаётган катталиқлар корреляцион функциялари баҳоларининг дастлабки ҳисоблаб чиқилишни талаб қилади).

Катталиқ $x(t)$ нинг аналогли сигналлари зарур сўров даврининг нисбатан соддароқ тахминий баҳосидан фойдаланамиз. Датчик хатолигининг тасодифий ташкил этувчиси ва поғонали экстраполяция хатолигидан иборат бўлган $x(t)$ катталиқни аниқлашнинг ўртача квадратик хатолиги $\sigma_{\Delta \max}$ берилган бўлсин. Бу каби шароитларда ёнма-ён ўлчашлар орасидаги, катталиқни аниқлаш хатолиги берилган қийматдан катта бўлмайдиган вақт интервалини топиш талаб этилади.

Зарур интервалнинг дастлабки ҳисоб-китоби учун ўлчовлар орасида кўшни ўлчашлар орасида исталган ихтиёрий h_b интервалга эга катталиқни 30 – 50 маротаба ўлчашдан иборат бўлган тадқиқотлар ўтказилган. Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар жадвалга жамланиб, улар билан қуйидаги математик амаллар бажарилган:

$$\Delta_{i(i-k)} = x_i^* - x_{i-k}^*; \quad (3)$$

$$x_i^* = x^*(t_i), \quad x_{i-k}^* = x^*(t_{i-k}); \quad (4)$$

$$\sigma_{kh_b}^* = \sqrt{\frac{\sum_{i=k}^n \Delta_{i(i-k)}^2}{n-k}} \quad (5)$$

бунда i – жадвал сатрининг рақами; k – жадвал устунининг рақами.

Жадвални тузиш натижасида катталиқнинг h_b га каррали бўлган вақт интервалида ўртача квадратик оғишларнинг тахминий баҳолари аниқланади. Кўшни ўлчашлар орасидаги зарур интервални аниқлаш учун олинган нуқталарни ўзаро равон эгри чизик билан бирлаштириб, $\sigma^* =$

$f(h_b)$ эгриликка тушириш мақсадга мувофиқ бўлади. Назорат қилинаётган сигналнинг эффектив қиймати уларнинг амплитуда қийматларини ўлчашлар туркуми йўли билан, кейинроқ эса ўртача квадратик қийматларни ҳисоблаб топиш орқали аниқланган:

$$X = \sqrt{(\sum_{i=1}^n x_i^2)/n}; n = \frac{T}{\Delta t} \quad (6)$$

бу ерда n – ўлчаш интервалидаги сўров нуқталари сони; i – ўлчашнинг жорий рақами; T – назорат қилинаётган аналог сигналнинг даври; Δt – сўров вақти.

Назорат қилинаётган аналог сигналнинг амалдаги қийматининг сўров вақтига кўра ўртача квадратик оғишларини баҳолаш учун тасодикий жараёнларнинг эҳтимолий тавсифларидан фойдаланилган:

$$\sigma_x = \sqrt{(\sum_{i=1}^n x_i^2)/(n - 1)} \quad (7)$$

Тадқиқотлар Matlab дастурий таъминотининг Simulink иловасидаги математик моделлар ёрдамида ўтказилган.

Аналог рақамли ўзгартиргичларнинг сўров вақтларини оптимал танлаш услулларини қўллашни натижасида микропроцессорли воситалар арифметик мантиқий қурилмаси ҳисоблаш аппаратининг юкланишини камайиши мумкинлиги аниқланган.

Аналог рақамли ўзгартиргичларни дискретлаш частотасига статик ва динамик ҳатоликларни таъсирини баҳолаш мақсадида станция темир йўл автоматика ва телемеханика қурилмаларини станция рельс занжирлари, стрелкали юритмалар, стрелкаларни ўтказиш тоқлари катталиклари, улар ҳолатининг назорати, светофорлар ва шу каби ахборот датчикларини ўз ичига олган назорат объекти математик моделлаштирилди. Албатта, бунда санаб ўтилган объектларни уларнинг ҳолати тўғрисидаги назорат ахборот манбалари, яъни чиқиш сигналлари ҳам дискрет, ҳам аналогли бўла оладиган датчиклар сифатида тақдим этиш мумкинлиги инобатга олинган.

Аналогли ахборот датчиклари ҳолатини назорат қилиш қурилмаси қуйидаги функционал узеллар: аналогли сигнал дискретлашувини амалга оширадиган амплитудали мультимплексор, аналог-рақамли ўзгартиргич, дискретлаштириш жараёни амалга ошириладиган бошловчи импульслар генератори мавжудлигини назарда тутди. Тизимнинг чиқиш сигналлари тикланади ва назорат қилиш қурилмалари, индикаторлар ёки маълумотлар базасига келиб тушади. Назорат қилиш тизимининг ҳар бир қурилмасини, бошқариш жараёнига киритадиган ҳатолик катталиги (γ) ва ахборотнинг тутилиб қолиш вақти (t) билан тавсифлаш мумкин.

Станция электр марказлаштириш тизими қурилмалари учун ҳатоликлар белгиларини киритамиз: датчиклар учун γ_S^i ва t_S^i , $i = 1, 2, \dots, N$; антиэлайзинг (antialiasing) филтрлар учун γ_F^i ва t_F^i , $i = 1, 2, \dots, N$; аналогли мультимплексор (АМХ) γ_{MX} ва t_{MX} ; аналог-рақамли ўзгартиргич (А/Д) учун γ_{AD} , t_{AD} ; ахборотнинг дастурий тикланиши учун γ_{MP}^i ва t_{MP}^i , $i = 1, 2, \dots, N$.

Аналогли датчиклар сифатида маршрутларни белгилашдаги станция стрелкали ўтказгичлари ишчи токлари кўзда тутилган.

Бундан ташқари, аналогли интерфейсининг ҳар бир канали спектрларнинг устма-уст тушиш хатолиги (γ_H^i), $i = 1, 2, \dots, N$ ни ҳамда ахборот тиклашнинг методик хатолиги (t_H^i), $i = 1, 2, \dots, N$ ни бир бирига қўшади. Шу билан бирга ўз хатолигини қўшадиган қурилмалар ҳам мавжуд бўлиб, уларга амплитудали мультимплексор ва А/D-ўзгартиргичга хос бўлиб, айнан улар динамик хатоликлар контактларнинг ўтиш қаршиликлари ва алоқа кабелларининг қаршилиги, шунингдек каналларнинг реактив ташкил этувчилари (γ_{IP}) пайдо бўлишининг сабабидир.

Барча қурилмаларнинг хатоликлари ўзаро мувофиқлаштирилмаган бўлиб, бу юқорида санаб ўтилган барча хатоликларни геометрик жиҳатдан қўшиш имконини беради, шу сабабли i -нчи каналда бутун дискретлаштириш ва ахборотни тиклаш жараёнининг хатолигини (γ_{dv}^i), аниқлаш мумкин бўлган:

$$\gamma_{dv}^i = (\gamma_F^i)^2 + \gamma_{MX}^2 + \gamma_{AD}^2 + (\gamma_{MP}^i)^2 + (\gamma_H^i)^2 + (\gamma_P^i)^2 + \gamma_{IP}^2 \quad (8)$$

Стрелкали юритма ҳар бир ток датчигининг канали учун назорат тизими хатолиги (γ_{SD}^i) куйидаги кўринишга эга бўлган:

$$(\gamma_{SD}^i)^2 = (\gamma_S^i)^2 + (\gamma_{OM}^i)^2 + (\gamma_{dv}^i)^2 \quad (9)$$

бу ерда i – назорат қилинадиган стрелкалар ва фидерларнинг умумий сонидир.

Микропроцессорли техник воситалар таркибидаги аналог рақамли ўзгартиргичлар ва аналог калитларнинг статик ва динамик хатоликлари таъсири натижасида аналог рақамли ўзгартиргичлар дискретлаш частотасини экспериментал олиш мумкинлиги аниқланган.

Станциядаги дискрет ҳолатига эга объектлардан датчиклар сўрови вақтини баҳолаш учун экспериментал назарий тадқиқотлари ўтказилган. Станциядаги икки позицияли объектларнинг сўров вақти ($T_{o,дво}$)ни аниқлаш, станциянинг тасвири акс этган ахборот таблоси ва бошқариш пультадаги барча тумблерлар, узиб-улагичлар ва тугмачалар рўйхатини ўз ичига олади, уларнинг сонини осонлик билан санаб олиш мумкинлигини назарда тутлади. Сўров вақти куйидаги ифодага биноан аниқланган:

$$T_{o,дво} = t_T \times \sum_{q=1}^f n_q \quad (10)$$

бу ерда f – пультадаги икки позицияли бошқарув объектларининг максимал сонига тенг бўлган қиймат.

Станциядаги барча объектлар сўровининг умумий амалга оширилиш вақти куйидаги ифодага кўра топилган:

$$T_{o,дво} = t_T \times \sum_{i=1}^k \sum_{r=1}^j \sum_{u=1}^y \sum_{q=1}^f n_i, n_r, n_u, n_q \quad (11)$$

(11) ифодадан кўринадикки, станциянинг барча объектларини назорат қилишда сўровларни ўтказиш умумий вақти давомлилиги станция назорат объектлар сонига тўғри пропорционал, яъни станция қанча катта бўлса, унинг қурилмаларини назорат қилишда сўровларни ўтказиш учун шунча

кўп вақт талаб этилиши математик моделдан аниқланган.

Темир йўл автоматика ва телемеханика қурилмалари томонидан бажарилаётган асосий вазифалардан бири – ташиш жараёнининг хавфсиз бошқарилишини таъминлаш мақсадида оператив ходимларга сигналлаштириш ва блокировка қурилмалари тўғрисида етарли миқдордаги ишончли ахборот билан таъминлашдан иборатдир.

Тасвирга чиқарилаётган ахборот алгоритмини оптималлаштириш учун графлар назариясидан, хусусан, Петри тармоғидан фойдаланган ҳолда тузилган модел таклиф этилган.


Стрелкали юритма ҳолатини акс эттирувчи Петри тармоғи графи 1-расмда келтирилган, унинг кенгайтирилган кириш ва чиқиш функциялари (12) дан иборат. Граф ишини кўриб чиқамиз, \overline{Vzr} позициясидаги фишка мавжудлиги стрелкали юритманинг соз ҳолатда эканлигини ва станциянинг мнемотик тасвирида хавотирли ахборот йўқлигини англатади.

1-расмга мувофиқ \overline{Vzr} да фишканинг мавжудлиги t_3 ва t_4 каби икки ўтиш ҳолатлари билан белгиланиб, улар $O(t_3)=\{\overline{Vzr}\}$ ва $O(t_4)=\{\overline{Vzr}\}$ каби чиқиш функциялари шартлари бажарилиши билан ишга туширилган, t_3 ўтишининг ишлаб кетиши эса шартлари стрелка назорат томонидан бажариладиган кириш функцияси $I(t_3)=\{ПК, \overline{МК}, \overline{Vzr}\}$ аниқланган бўлиб, унинг шартлари стрелка «минусда» жойлашган ҳолатда ($\overline{МК}$) назорат мавжудлиги, стрелканинг «плюс»да бўлган ҳолати ($ПК$) назорат мавжудлиги ва стрелкада кесик (взрез) мавжудлиги назорати (Vzr) билан ифодаланган.

Фишканинг \overline{Vzr} позицияда ўтиш t_4 бўйича пайдо бўлиш эҳтимоли, ана шу ўтишнинг кириш функцияси $I(t_4)=\{\overline{ПК}, МК, Vzr\}$ билан белгиланади. Фишканинг Vzr позицияга ўтиш жараёнини, яъни стрелка авариявий ҳолати мавжудлигини кўриб чиқамиз. Фишка \overline{Vzr} позициядан Vzr позицияга ўтиши эҳтимоли, $I(\overline{Vzr})=\{t_3, t_4\}$ функцияга мувофиқ юзага келади, яъни t_1 ва t_2 ўтишларини ишлатиб юбориш учун шартлар бажарилаётган тақдирда мавжуд бўлиши мумкин. Бир вақтнинг ўзида икки назорат релеси ток остида бўлган $I(t_2)=\{ПК, МК, \overline{Vzr}\}$ кириш бўйича ёки икки назорат релеси токсиз бўлган ҳолат учун $I(t_1)=\{ПК, \overline{МК}, \overline{Vzr}\}$ шартлари билан ифодаланади.

Фишканинг $\overline{Vzr}=0$ позицияда бўлиши $Vzr=1$, ҳамда $\overline{Vzr}=0$ эканлиги шартининг бажарилганлигини англатади, чунки $Vzr=1$, бунда мнемоник схемадаги стрелка тасвирида қизил квадрат тасвири кўринишидаги хавотир сигнали пайдо бўлади. Фишканинг Vzr позициядан \overline{Vzr} позицияга кўчиши учун стрелкадаги носозликларни баратаф этиш талаб

этилиб, шундан кейин t_3 ёки t_4 шартлари бажарилади, бу эса фишкани $\overline{Bзр}$ позицияга ўтказди ва хавотир (тревога) сигнализацияси ўчади.



1-расм. Стрелкали юритма кесиги (взреси) индикацияси ўзгарувчанлари ҳолати графи

$$\begin{aligned}
 (Bзр) &= \{t_1, t_2\}; & O(Bзр) &= \{t_3, t_4\}; \\
 (\overline{Bзр}) &= \{t_3, t_4\}; & O(\overline{Bзр}) &= \{t_1, t_2\}; \\
 I(t_1) &= \{\overline{ПК}, \overline{МК}, \overline{Bзр}\}; & O(t_1) &= \{Bзр\}; \\
 I(t_2) &= \{ПК, МК, \overline{Bзр}\}; & O(t_2) &= \{Bзр\}; \\
 I(t_3) &= \{ПК, \overline{МК}, \overline{Bзр}\}; & O(t_3) &= \{\overline{Bзр}\}; \\
 I(t_4) &= \{\overline{ПК}, МК, \overline{Bзр}\} & & (12)
 \end{aligned}$$

Моделлаштириш натижалари оператив ходимлар иш жойидаги мониторда стрелкали юритмалар ҳолатини визуал акс эттиришнинг барча зарур шартларини ҳисобга олиш усулларни яратиш имконини берган.


«Станцияларда поездлар ҳаракатини бошқариш қурилмаларининг ҳолатини автоматик назорат қилувчи микропроцессорли воситаларига қўйиладиган техникавий талаблар ва тавсифларни ишлаб чиқиш» деб номланган учинчи бобда темир йўл транспортининг асосий вазифаси, яъни юклар ва йўловчиларни узлуксиз етказиб беришни амалга оширишда комплекс ёндашувни ҳисобга олган ҳолда, аппарат таркибий қисмига қўйилган техникавий талабларга танқидий ёндашувга асосланиб станцияларда поездлар ҳаракатини бошқариш қурилмаларининг ҳолатини автоматик назорат қилувчи микропроцессорли воситалар ишлаб чиқилган. Станцияларда поездлар ҳаракатини бошқариш қурилмалари устидан самарали назоратни олиб бориш учун, микропроцессорли маълумотларини модулидан фойдаланган ҳолда датчикларни сўровини ташкил этиш, маълумотларни қабул қилиш ва жўнатиш мажмуасига узатиш усуллари таклиф этилган.

Стрелкали юритмани ўтказиш токининг қиймати, уни ташкиллаштириш усуллари, ҳамда ҳолатини назорат қилиш, барча қурилмаларнинг узлуксиз таъминотини уюштиришга доир вазифаларни ташкиллаштириш усуллари ва принципиал схемалари таклиф қилинган (2-расм).

Икки позицияли объектлар ҳолатининг назоратини ташкил қилиш ва назорат қилиш бўйича вазифаларни ташкиллаштириш усуллари, яъни блокли маршрут релели марказлаштириш тизимининг йиғма блокларига уланиш ва назорат вазифаларини бажаришнинг принципиал схемалари ишлаб чиқилган.

Станцияларда объектлар индикациясини станциянинг мнемоник режасида жойлаштириш усуллари билан бирга автоматлаштирилган иш жойларини ташкиллаштириш учун техник талаблар мажмуи яратилган. Қурилмалар ҳолатига доир, дастурий таъминот кўринишидаги (архивлаш), сақланаётган маълумотларни ахборотни акс эттириш воситаларига чиқариб

бериш имконияти билан маълумотлар банкни яратиш зарурати тўғрисидаги қарор асослаб берилган.



2-расм. Стрелка электр юритмасини ўлчаш тизимига улаш принципиал схемаси


«Станцияларда поездлар харакатини бошқариш қурилмаларининг ҳолатини автоматик назорат қилувчи микропроцессорли техник воситаларини амалда қўллаш бўйича тамойиллар ва тавсияларни ишлаб чиқиш» деб номланган тўртинчи бобда ишлаб чиқилган автоматик назорат қилувчи микропроцессорли техник воситаларнинг ишлаш қобилияти тажрибалар орқали текширувдан ўтказилган. 3-бобда кўриб чиқилган схемаларнинг амалга оширилиши натижасида аналог-рақамли ўзгартиргич сўрови даврларидан ўртача квадратик оғишлар баҳоланиши 220 В кучланишли 50 Гц частотали идеал $\sigma_2(t)$ ва ҳалақитлар таъсири $\sigma_1(t)$ остидаги кучланиш ўзгаришларига боғлиқликлари олинган ва тадқиқ этилган. Тадқиқот натижалари 3-расм берилган.

Ишлаб чиқилган принципиал схемалар (4-расм) ва дастурий таъминот асосида Ўртаовул, Жиззах, Хамза (5-расм) мавжуд темир йўл станцияларида ва метрополитеннинг Қўйлик станцияси қурилмаларининг жорий ҳолатини акс эттириш мақсадида оператив ходимларнинг автоматлаштирилган иш жойлари ишлаб чиқилган.

Микропроцессорли технологиялардан фойдаланиш тизим ишини протоколлаштириш (архивни юритиш) вазифасини амалга оширилишини таъминланган. Тизим ишини протоколлаштириш вазифаси куйидагиларни кўзда тутади:

- 1) ахборотни протоколлаштириш ва сақлаш;


2) архивни статик ва динамик режимларда хабарлар филътрини кўллаган ҳолда кўздан кечириб чиқиш.




3-расм. 220 В, 50 Гц частотали идеал $\sigma_2(t)$ ва ҳалақитлар таъсири $\sigma_1(t)$ остидаги кучланиш шаклини аниқлаш ўртача квадратик хағолигини аналог-рақамли ўзгартиргич сўров даврига боғлиқлиги.

Архив бир вақтнинг ўзида 4 та физик ташувчида сақланади: сервер 1, сервер 2, концентратор ЛП1 ва концентратор ЛП2. Ҳодисаларнинг аниқроқ таҳлил қилиниши учун барча маълумотлар базаси сақловчиларда ёзиб олинган архивларни кўриб чиқиш тавсия этилади. Архив буюртмачи билан келишилган ҳолда белгиланган вақт давомида сақланади.

Маълумотлар базасининг мавжудлиги нафақат поездлар ҳаракатини бошқариш қурилмаларини, балки оператив ходимларнинг ҳаракатларини ҳам назорат қилиш функциясини амалга ошириш имконини яратган.



4-расм. Сигналлаштириш, марказлаштириш ва блокировка қурилмаларидан ахборот дискрет киритиш локал (маҳаллий) модулининг принципаал схемаси.



5-расм. Тошкент минтақавий темир йўл узели «Хамза» станцияси қурилмаларининг техник ҳолати мониторинги дарчасининг ташқи кўриниши.

ХУЛОСА

Станцияларда поездлар ҳаракатини бошқариш қурилмаларининг ҳолатини автоматик назорат қилувчи микропроцессорли техник воситаларини ишлаб чиқиш масалалари бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Темир йўл автоматика ва телемеханикасининг назорат тизимларининг ривожланиш таҳлили ва замонавий ҳолати асосида станцияларда поездлар ҳаракатини бошқариш қурилмаларини автоматик назорат қилувчи замонавий микропроцессорли техник воситалари ёрдамида бошқариш жихозларга хизмат кўрсатиш стратегиясини модернизациялаш зарурлиги аниқланган. Натижада, махсус ўлчов асбобларига қўйиладиган техник талаблар асосида аналог сигналларнинг шакли ва эффектив қийматини аниқлаш мақсадида микропроцессорли воситалардаги сўровлар вақтини оптимал танлашни амалга ошириш усуллари асосланган.

2. Объектларни тезкор назорат қилиш, аналогли сигналларнинг сўровлари вақтини назарий баҳолаш мақсадида рельс занжирининг математик модели ва Петри тармоғи мультиграфи асосида бошқариш тизимининг автоматлаштирилган иш жойларида стрелкали ўтказгичларнинг ҳолатини визуал тасвирга чиқариш жихозлари учун дастурий таъминот ишини таҳлил қилишнинг математик ифодаси ишлаб чиқилган. Моделлаштириш натижалари оператив ходимлар иш жойидаги монитorda стрелкали юритмалар ҳолатини визуал акс эттиришнинг барча зарур шароитларини ҳисобга олиш усулларни яратиш имконини берган.

3. Махсус ўлчов асбобларини яратиш, сигналларни ўрганиш, автоматлаштирилган иш жойларида ахборотларни акс эттирувчи назорат қилиш жиҳозларига қўйиладиган техник талабларни шакллантириш қоидалари аниқланган ҳамда ушбу иш жойларини жорий этиш, линиядаги синовларни ўтказиш учун станцияларда поездлар ҳаракатини автоматик назорат қилиш мақсадида микропроцессорли воситаларини яратиш тамойиллари ишлаб чиқилган. Бунинг натижасида объектларининг аналог ва дискрет ҳолатларини назорат қилувчи сигналларни станция мнемоник схемасида намоён қилувчи жиҳоз яратилган.

4. Микропроцессорли ҳисоблаш техник воситалари ва дастурланувчи саноат контроллерлари асосида электр марказлаштириш қурилмалари ҳолатини назорат қилувчи тизим ишлаб чиқилган ва жорий қилинган. Илмий тадқиқот ўтказилиши натижасида электр магнит релелар ва постдаги кабеллардан воз кечилган, хизмат кўрсатилмайдиган замонавий таъминот манбалари қўлланилган, шунингдек фойдаланиладиган камёб материаллар хажми камайтирилган.

5. Хизмат кўрсатувчи ҳодимларнинг автоматлаштирилган иш жойлари ишлаб чиқилган ва жорий этилган. Илмий тадқиқот ўтказилиши натижасида назорат объектларининг ҳолатларини мониторингларда акс эттириш имконияти пайдо бўлган, эскирган бошқариш пульслари, кўп сонли тугмачалар ва калитлардан воз кечилган, тезкор назорат қилиш, ҳодимларнинг ҳаракатларини маълумотлар базасида архивлаштириш ва рўйхатдан ўтказиш учун шароитлар яратилган.

6. Поездлар ҳаракатини бошқариш қурилмалари ҳолатини автоматик назорат қилувчи микропроцессорли техник воситалар станцияларда ишга туширилганда, электр марказлаштириш тизимининг мавжуд функционал имкониятлари сақланиб қолиниши исботланган. Янги яратилган техник воситалар энергия сарфларини камайтиришга имкон берган, қурилмаларнинг ҳақиқий ҳолатларига кўра техник хизмат кўрсатишнинг янада оқилона режимига ўтишга асос бўлиб хизмат қилган, уларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратган.

7. Ишлаб чиқилган автоматик назорат қилувчи микропроцессорли техник воситалар Ўртаовул, Жиззах-1 ва Янгиер-1 темир йўл станцияларида ҳамда Қўйлик, Дўстлик-2 ва Янгиобод метрополитен станцияларида жорий қилинган. Дастурланадиган индустриал контроллерлар базасида бажарилган станцияларда поездлар ҳаракатини бошқариш қурилмаларининг ҳолатини автоматик назорат қилувчи техник воситаларни жорий этилишидан кутилаётган йиллик иқтисодий самара 575,3 млн. сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.15/30.12.2019.Т.73.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТРАНСПОРТНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТРАНСПОРТНЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ЮЛДАШЕВ ШУХРАТ МУРАТОВИЧ

**МИКРОПРОЦЕССОРНЫЕ ТЕХНИЧЕСКИЕ СРЕДСТВА
АВТОМАТИЧЕСКОГО КОНТРОЛЯ СОСТОЯНИЯ УСТРОЙСТВ
УПРАВЛЕНИЯ ДВИЖЕНИЕМ ПОЕЗДОВ НА СТАНЦИЯХ**

05.08.03 – Эксплуатация железнодорожного транспорта

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2021.1.PhD/Т2137.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном транспортном университете.
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета (www.tstu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Азизов Асадулла Рахимович
кандидат технических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Баратов Дилшод Хамидуллаевич
доктор технических наук, доцент
Хаджимухаметова Матлуба Адиловна
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация:

Ташкентский университет
информационных технологий имени
Мухаммада ал-Хоразмий

Защита диссертации состоится « 18 » 09 2021 г. в 10⁰⁰ часов на заседании Научного Совета PhD.15/30.12.2019.Т.73.01 при Ташкентском государственном транспортном университете. Адрес: 100167, Ташкент, ул. Темирийулчилар, 1. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54; e-mail: tashiit_rektorat@mail.ru.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентском государственном транспортном университете (регистрационный номер - 033). Адрес: 100167, Ташкент ул. Темирийулчилар, 1. Тел.: (99871) 299-05-66.

Автореферат диссертации разослан « 10 » 09 2021 года.
(протокол рассылки № «034» от « 10 » 09 2021 года).



А.И. Адилходжаев
Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

Я.О. Рузметов
Ученый секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней, к.т.н.

Н.Н. Ибрагимов
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
учёных степеней, д.т.н., профессор

Введение (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире занимает одну из лидирующих позиций создание средств непрерывного контроля за устройствами, обеспечивающими безопасность движения, усовершенствованию методов контроля, введению функций диагностики, управлению движением железнодорожного транспорта на основе средств и оборудования автоматики, телемеханики, выполненных на основе микропроцессорных технологий. Например внедрение микропроцессорной системы АДК СЦБ (Россия) позволило снизить уровень аварийности ниже 3%. Поэтому в процессе обеспечения безопасности необходимо внедрение диагностических систем, повышающих надежность работы станционных устройств требует реализации автоматики и телемеханики на основе микроэлектронных технологий. В разных странах мира, таких как США, Германия, Япония, Англия, Китай, Испания и т.д., считается важным при проектировании и создании систем автоматики и телемеханики железных дорог, особое значение придается их устойчивости, надежности и самоконтролю, а также разработки сложных микропроцессорных систем, дающих необходимую информацию об их техническом состоянии.

В мире проводятся целенаправленные исследовательские работы направленные на создание микропроцессорных технических средств автоматического контроля состояния устройств управления движением поездов на станциях, связанные с развитием устройств, оборудования и элементов железнодорожной автоматики и телемеханики, а также синтез микропроцессорных устройств контроля на современном уровне. В связи с этим особое внимание уделено совершенствованию модулей контроля на базе современных электронных элементов; разработка новых математических моделей; разработка новых схем по использованию микроконтроллеров, необходимых для железнодорожной автоматики и телемеханики; разработка алгоритмов и программного обеспечения систем выполненных на базе микроконтроллеров и предназначенных для работы в сложных условиях.

В Республике принимаются масштабные меры по развитию транспортной сети, в том числе по инфраструктуре железнодорожного транспорта, увеличению количества железнодорожных линий, развитию электрификации существующих линий, и достигаются определенные результаты. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 г. указаны задачи, такие как, «...повышение конкурентоспособности национальной экономики, ...активное инвестиционное политика, направленное на решение транспортно-коммуникационных и социально-инфраструктурных проектов, ... техническое и технологическое обновления производства, ... широкое привлечение производства энергосберегающих технологии»². Решением

² Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

